

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.30.08.2018.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАТЯЗОВА НИЛУФАР САБИРОВНА**

**ХОРАЗМ “ГЎРЎҒЛИ” ТУРКУМИ АВАЗХОН ҲАҚИДАГИ  
ДОСТОНЛАРНИНГ ОҒЗАКИ ВА ЁЗМА ВАРИАНТЛАРИ**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим  
наукам**  
**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological sciences**

<b>Матязова Нилуфар Сабировна</b> Хоразм “Гўрўғли” туркуми Авазхон ҳақидаги дostonларнинг оғзаки ва ёзма вариантлари .....	3
<b>Матязова Нилуфар Сабировна</b> Устные и письменные варианты дастанов об Авазхане из цикла Хорезмского “Гороглы” .....	26
<b>Matyazova Nilufar Sabirovna</b> Oral and written variants of dastans about Avazhon of the Khorezm cycle "Gorogly" .....	49
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	53

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.30.08.2018.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАТЯЗОВА НИЛУФАР САБИРОВНА**

**ХОРАЗМ “ГЎРЎҒЛИ” ТУРКУМИ АВАЗХОН ҲАҚИДАГИ  
ДОСТОНЛАРНИНГ ОҒЗАКИ ВА ЁЗМА ВАРИАНТЛАРИ**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Fil 1245 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг [www.tai.uz](http://www.tai.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Рузимбаев Сапарбай,**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Эшонкулов Жоппор Солиевич,**  
филология фанлари доктори, профессор

**Сариев Санъат Матчонбоевич,**  
филология фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Нукус давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.08.2018.Fil.46.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5.Тел.: (99871) 233-36-50; fax: (99871) 233-71-44; e-mail: [uzlit@uzsci.net](mailto:uzlit@uzsci.net)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2020 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б.Тўхлиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси ўринбосари,  
филол.ф.д., профессор

**Л.Худайкулова**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.

**Ш.Турдимов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, филол.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон фольклоршунослигида халқ эпосининг мукамал нашрлари амалга оширилганлиги дostonчилик анъаналарининг бадий эволюцияси ва эпик сюжетлар генезисини қиёсий-типологик аспектда тадқиқ этишнинг кенг имкониятларини очди. Эпос генезисини мифопоэтик талқин, эпик сюжетлар миграцияси ва “тарихий мактаб”нинг бадий сўз эстетикаси концепцияси асосида ўрганиш натижасида ҳар бир халқнинг эпик хотирасини ўзида акс эттирувчи анъанавий дostonлар этномаданиятнинг таркибий қисми эканлиги аниқланди.

Дунё фольклоршунослигининг эпик сюжетлар генезиси ва бадий матн поэтикасини тарихий-қиёсий аспектда тадқиқ этиш натижасида олинган илмий-назарий хулосалари халқ дostonларининг қадимий шакли мифологик контекст ёки архаик эпос тарзида ижро этилганлигини тасдиқлайди. Замонавий эпосшуносликка структурал-семантик методнинг татбиқ этилиши эса муайян эпик сюжетларнинг миллий эпик анъана доирасида туркумлашиши асосан эпос етакчи персонажлари номи билан боғлиқлигини, бинобарин, дoston асосий қаҳрамонлари образининг тўлақонли бадий ифодаси кўмакчи персонажлар фаолияти билан бевосита алоқадорлигини кўрсатади.

Ўзбек фольклоршунослигида бахшичилик санъати ва халқ дostonларини тадқиқ ва тарғиб этиш борасида бажарилаётган ишлар туркий халқлар эпосининг тадрижий ривожига хос асосий хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган ўзбек дostonлари ҳам тарихнинг турли босқичларида яратилиб, тараққий қилиб, қуйланиб келган ва халқимиз ўтмишига оид муҳим воқеаларни бадий тафаккур контекстида акс эттирганлигини кўрсатади. Эпик образлар табиатига хос бу концептуал хоссанинг аниқланиши Хоразм “Гўрўғли” туркумида муҳим ўрин тутувчи Авазхон образи мисолида “кўмакчи персонаж” типининг шаклланиши ҳамда бадий эволюциясини тадқиқ этишга асос беради. “Ҳар қайси халқнинг азалий тарихи ва маданияти энг аввало унинг оғзаки ижоди фольклор санъатида, дoston ва эпосларида мужассам топган бўлиб, улар миллатнинг ўзлигини англаш, унинг ўзига хос миллий қадриятлари ва анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришда бебаҳо манба ҳисобланади”<sup>1</sup>. Шундай экан, Хоразм “Гўрўғли” туркумининг кўлөзма нусхалари ва оғзаки вариантларида Авазхон фаолиятига оид дostonларидаги мотивларни бошқа версиялардаги воқеалар билан қиёсий аспектда ўрганиш диссертация ишининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан

---

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон бахшичилик санъатини ривожлантиришга бағишланган Халқаро фестивалнинг очилиш маросимида сўзлаган нутқи. – Термиз, 2019, 5-6 апрель.

ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги”ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3990-сон “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги, 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сон “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 апрелдаги 304-сон «Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** “Гўрўғли” эпосининг турли вариант ва версиялари, унинг ўзбек халқ ижодида шаклланиши ва тараққиёти, образлари, сюжет манбалари В.М.Жирмунский, Х.Т.Зарифов, М.Саидов, М.Муродов, Т.Мирзаев, М.Мирзаева, С.Рўзимбоев, О.Мадаев, Қ.Мамашукуров, Ж.Холиқулов, С.Мирзаева, Т.Ҳайдаров, Ш.Турдимов, Ж.Эшонқулов, С.Сариев, Х.Рўзимбоевларнинг тадқиқотларида ўрганилган.<sup>1</sup> Уларнинг асосий қисми “Гўрўғли” эпосининг ўзбек халқи орасида тарқалган шарқий версиясига

---

<sup>1</sup> Жирмунский В.М. Зарифов Х. Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: ГИХЛ, 1947; Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос. – Л.: Наука, 1974; Саидов М. Ўзбек дostonчилигида бадий маҳорат. – Тошкент: Фан, 1969; Муродов М. Жанровые и идейно-художественные своеобразия дастанов «Гороглы»: АДД. – Тошкент, 1974; Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Тошкент, 1979; шу муаллиф. Дostonлар зубдаси / “Гўрўғли” дostonлари. Тўрт жилдлик. 1. Гўрўғлининг туғилиши. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – Б. 3-12; шу муаллиф. Эпос и сказитель. – Ташкент: Фан, 2008; Мирзаева М. Ўзбек халқ дostonларида туркумлилик. – Тошкент: Фан, 1985; Рўзимбоев С. Хоразм дostonлари. – Тошкент: Фан, 1985; Мадаев А.А. Хорезмские дастаны и их специфические особенности. АКД. – Ташкент, 1973; Мамашукуров К. Идейно-художественные особенности цикла дастанов “Нурали”. АКД. – Ташкент, 1985; Халиқулов Дж. “Рождение Гороглы” и его место в цикле дастанов “Гороглы”: АКД. – Ташкент, 1984; Мирзаева С. Ўзбек халқ романик дostonлари поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2004; Ҳайдаров Т. “Гўрўғли” ва мифология синкретизми: Филол.фан.номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1993; Турдимов Ш. «Гўрўғли» номи хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2000. – №3. – Б. 62-65; шу муаллиф. “Гўрўғли” дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. – Тошкент: Фан, 2011; шу муаллиф. Этнос ва эпос. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012; Эшонқул Ж. Фольклор: образ ва талкин. – Қарши, Насаф, 1997; шу муаллиф. Эпик тафаккур тадрижи. – Тошкент: Фан, 2006.; Сариев С.М. Хоразм “Гўрўғли” дostonларининг қўлёзма вариантлари: Филол.фан.номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2007; шу муаллиф. Хоразм “Гуругли” дostonларининг қўлёзма нусхалари. – Тошкент: Мухаррир, 2013; Шу муаллиф. “Гўрўғли” дostonлари оғзаки ва қўлёзма нусхаларининг қиёсий таҳлили: Филол.фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2020; Рўзимбоев Х.С. “Гўрўғли” эпосининг поэтикаси. – Урганч: Университет, 2005.

алоқадор бўлиб, асосан асардаги туркумлилик масаласи тадқиқ этилган ҳамда Гўрўғлининг асранди фарзандлари ва улардан туғилган неваралари фаолиятини акс эттирувчи дostonлар таҳлилга тортилган.

Фольклоршунос М.Мирзаева “Гўрўғли” эпосини туркумга ажратар экан, эпоснинг биографик туркумдан генеологик туркумга кўчганлигини қайд қилади. Айни пайтда ушбу туркум воқеалари асосан Чамбил эпик маркази билан узвий боғланганлиги сабабли уни географик туркум сифатида ҳам баҳолайди.<sup>1</sup> Бироқ, “Нурали” туркуми дostonлари бўйича тадқиқот олиб борган Қ.Мамашукуров қайд этишича, “Гўрўғли” туркуми М.Мирзаева таъкидлаганидек, “Гўрўғли”, “Авазхон”, “Ҳасанхон” номлари билан алоқадор учта генеологик туркумдан иборат эмас, балки “Нурали”ни ҳам ҳисоблаганда тўртта генеологик туркумни ташкил этади. М.Мирзаева эпосни Чамбил билан боғлиқ ҳолда географик туркум сифатида кўрсатган бўлса, Қ.Мамашукуров уни биографик туркумликка киритади.<sup>2</sup> Бизнингча, “Гўрўғли” эпосининг Ўрта Осиё версияси, хусусан, шарқий Ўзбекистонда тарқалган дostonларга тарихийлик туркуми нуқтаи назаридан қараш анча қийин. Чунки бу туркум дostonларида реалликка қараганда романик тасвир анча устуворлик қилади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ушбу тадқиқотларда Авазхон образи тилга олинса-да, унинг асранди фарзанд эканлигини қайд этиш билан чекланилиб, бу образнинг генетик илдизларига эътибор қаратилмайди ва унинг кўмакчи эпик қахрамон сифатидаги сиймоси тўлалигича ёритилмайди. Шарқий ўзбек версияси сифатида тарқалган “Гўрўғли” эпоси бўйича юзага келган барча тадқиқотларда асосан туркум дostonларининг ғоявий-бадий хусусиятлари, образлари тизими хусусида фикр юритилади. Фақат С.Рўзимбоев, О.Мадаев, Х.Рўзимбоев ва С.Сариевларнинг тадқиқотларида бевосита Хоразм “Гўрўғли” туркуми дostonлари хусусида янги илмий қарашлар илгари сурилган. Шу билан бирга, туркумдаги Авазхон образи ҳақида ушбу тадқиқотларда айрим таъкидлар кўзга ташланади. Жумладан, С.Рўзимбоев кўрсатишича, эпос таркибидаги кўмакчи образ бўлган Авазхон фаолияти туркум дostonларининг асосини ташкил этиб, алоҳида бир туркум сифатида қарашни тақозо этадики, бу масала махсус тадқиқотни талаб қилади.<sup>3</sup> Т.Мирзаев, С.Сариевларнинг тадқиқотлари орқали “Гўрўғли” эпосининг тошбосма ва қўлёзма нусхалари ҳақидаги янги маълумотлар илмий жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилганлиги ҳам Авазхон образининг мазкур эпос сюжет силсиласидаги бадий ўрнини чуқур таҳлил қилиш имкониятини юзага келтирди<sup>4</sup>.

<sup>1</sup>Мирзаева М. Проблема генеологической циклизации в узбекских дастанах “Гороглы” (на примере “Хасанхон”): АКД. – Ташкент, 1982. – С. 12.

<sup>2</sup>Мамашукуров К. Идеино-художественные особенности цикла дастанов “Нурали”: АКД. – Ташкент, 1985. – С. 9.

<sup>3</sup>Рўзимбоев С. Хоразм дostonчилиги эпик анъаналари. – Урганч: Университет, 2008. – Б. 26.

<sup>4</sup>Мирзаев Т. Ҳикояти Гўрўғли султон. Сўнгсўз ва луғат билан нашрга тайёрловчи Т.Мирзаев. – Тошкент: Адабиёт учқунлари, 2013. – 224 бет; шу муаллиф. “Гўрўғли” туркуми дostonларининг ўрганилиши ва яратилиши даври масаласига доир / Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. VI китоб. – Тошкент, 2017. – Б. 48-66; Шу

“Кўмакчи образ” тушунчаси ўтган аср ўрталарида В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовлар томонидан тилга олиниб, бу типга мансуб образлар муҳим аҳамиятга эга эканлиги уқтирилган бўлса-да<sup>1</sup>, фольклоршуносликда бу масалага кўп вақтлар эътибор қаратилмади. Фақат Ж.Эшонқулов тадқиқотларида “Алпомиш”даги Қоражон образи билан алоқадор муҳим хулосалар фикримизга далил бўла олади.<sup>2</sup> Шунингдек, С.Рўзимбоевнинг бир мақоласида кўмакчи қаҳрамон ибораси ишлатилиб, Хоразм дostonларидаги ушбу тоифага оид образларга характеристика берилади ва Авазхон ҳам тилга олиб ўтилади.<sup>3</sup> Эпик анъанада барқарор яшаб келаётган ушбу масалани тадқиқ қилиш, ҳақиқатан ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, янги илмий изланишларга йўл очади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий ўқув юртининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Урганч давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбек адабиёти ва фольклоршунослигининг долзарб масалалари” (2020-2021 йилларга мўлжалланган 1-сонли) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Хоразм “Гўрўғли” эпоси таркибидаги кўлёма ва оғзаки тарқалган дostonларда кўмакчи қаҳрамон Авазхон образининг ўрнини белгилаш, эпик мотивлар силсиласида унинг сиймосини ёритиб бериш асосида ушбу тип образларнинг генетик илдизларини очиб беришдан иборатдир.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Хоразм “Гўрўғли” туркумидаги Авазхон образига алоқадор дostonларнинг наслий туркумлиққа муносабатини ойдинлаштириш;

Авазхон типидagi “кўмакчи персонаж” образларнинг тарихий-генетик илдизларини ёритиш;

Авазхон ҳақидаги дostonларнинг ёзма ва оғзаки нусхаларини қиёсий таҳлил қилиш орқали “кўмакчи персонаж” образининг эпик табиатини белгилаш;

“Гўрўғли” туркуми дostonларида Авазхон образининг юзага келиши тарихи ва бадиий эволюцияси босқичларини аниқлаш;

“кўмакчи персонаж” типининг версиялараро муштараклиги, алоқаси ва ўзига хослигини қиёсий-типологик аспектда таҳлил этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Хоразм “Гўрўғли” туркуми дostonлари, ЎЗР ФА Шарқшунослик институти Қўлёмалар фондидаги 9590, ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архивидаги

---

муаллиф. “Гўрўғли” туркуми дostonларининг яратилиш даври масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2018. – 1-сон. – Б. 106–113; Сариев С. “Гўрўғли” эпосининг кўлёма нусхасидаги “Аваз моҳитобон”, “Гўрўғлибек ва Мустафобек” дostonлари ҳақида // Илм сарчашмалари. – Урганч, 2006. – №2. – Б.52-56; шу муаллиф. “Гўрўғли” дostonларининг кўлёма ва тошбосма нусхалари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2006. – №1. – Б.66-69.

<sup>1</sup>Жирмунский В.М. Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – С. 327.

<sup>2</sup>Эшонқул Ж. Эпик тафаккур тадрижи. – Тошкент: Фан, 2006. – Б.18-32.

<sup>3</sup>Рўзимбаев С. Вспомогательные образы в Хорезмских дастанах // Вестник ККО АН РУз. – Нукус, 2004. – №5. – 6. , С.132-133.



44, 1647, ЎзР Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими қўлёзмалар фондидаги 3680 ҳамда 42938-рақамли қўлёзмалар, шунингдек, “Ошиқнома” туркумида чоп этилган IV китоб (2009), Раҳматулла Юсуф ўғлидан ёзиб олинган “Гўрўғли” туркуми дostonлари танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ўзбек халқ дostonларининг образлар тизими, эпосдаги “кўмакчи персонажлар” типининг генезиси, поэтик эволюцияси ва бахшилар эпик талқинидаги бадий ифодаси ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, структурал-типологик, этнофольклористик ҳамда матний таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Авазхон образи мисолида халқ дostonлари образлар тизимида “кўмакчи қахрамон” типи мавжудлиги асосланган ҳамда унинг тарихий-генетик илдизлари қадимги туркий мифологияга боғлиқлиги ойдинлаштирилган;

Авазхон образининг “Гўрўғли” дostonлари ёзма нусхалари ва оғзаки вариантларидаги эпик талқини қиёсида Авазхон образи “Гўрўғли” туркумини шакллантирувчи асосий персонажлардан бири эканлиги исботланган;

“кўмакчи қахрамон” образининг тарихий-генетик илдизлари қадимги аждодларимизнинг эртакчилик анъаналари, эгизаклар култига алоқадор дуалистик мифлар ҳамда асранди фарзанд ёки бола асраб олиш билан боғлиқ архаик ритуалларга алоқадорлиги далилланган;

эпос туркий версияларидаги Авазхон образининг ўзига хос бадий талқинлари миллий эпик анъана ва бахшилар “эпик билими” билан алоқадорлиги асосланган;

асранди фарзанднинг эпик образлар тизимида етакчи мақомга эга бўлиши жаҳон халқлари эпосининг типологик муштараклигини кўрсатувчи жиҳатлардан бири эканлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўзбек эпосида “кўмакчи персонаж” сифатида қаралаётган Авазхон образининг эпосдаги ўрни ёритиб берилган ҳамда бу образнинг генетик илдизлари халқ эртакларига бориб тақалиши аниқланган;

эпосдаги кўмакчи персонажлар, хусусан, Хоразм “Гўрўғли” версиясидаги Авазхон образининг туркумга кириб келиши тасодифий бўлмасдан, эпик анъана доирасида рўй берганлиги ойдинлаштирилган ҳамда ушбу жараён туркий халқлар фольклоридаги версияларнинг шаклланиши билан бевосита алоқадорлиги кўрсатиб берилган;

эпосдаги фарзандсизлик мотиви кўп тадқиқотларга асос бўлишига қарамай, фарзанд асраб олиш мотивининг рудиментлари батафсил таҳлил этилмаганлиги сабабли бу мотив минтақа материаллари асосида ёритилган;

Хоразм “Гўрўғли” дostonлари асосан ёзма нусхалар ва оғзаки вариантлар тарзида тарқалган бўлиб, ёзма нусхаларда Авазхон образининг берилиши архаик эпосга хос қадимий мотивларни кўпроқ сақлаб қолганлиги билан

характерланиши исботланган;

эпосдаги “кўмакчи персонаж” образи функционал табиатига кўра мураккаб характерга эга бўлиб, уларда ҳомийлик ва рақиблик хусусиятлари уйғунлашган ҳолда намоён бўлиши кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** “Гўрўғли” туркуми дostonларида муҳим роль ўйнайдиган Авазхон образи ва у билан боғлиқ эпик сюжетлар генезиси ва “кўмакчи персонаж” типининг шаклланиш тарихи, эпос сюжет тизимида тутган ўрни ва бадий вазифаларига оид илмий-назарий хулосалар бевосита дostonлар матни билан боғлиқ ишончли манбаларга таянилган ҳолда чиқарилгани ҳамда умумлашма хулосалар нуфузли назарий адабиётлар асосида далилланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти туркий халқлар фольклорида “Гўрўғли” туркумининг шаклланиши, етакчи эпик қаҳрамонлар образининг бадий талқини, айниқса, бу тоифага кирувчи Авазхон сингари образларнинг тарихий асослари ва эволюцияси каби масалаларни тадқиқ этишда намоён бўлади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти диссертация илмий-назарий хулосалари ва уларнинг натижаларидан олий ўқув юртлари, академик лицейларда “Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди”, “Ўзбек адабиёти тарихи” фанларидан ўқув дастури, дарслик, ўқув қўлланмаси, маъруза матнларини тайёрлашда, магистратура босқичида халқ дostonлари поэтикаси бўйича махсус курс ҳамда семинарлар ўтишда, магистрлик диссертациялари, битирув-малакавий ва курс ишлари ёзишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Авазхон образининг “Гўрўғли” дostonлари оғзаки ва ёзма вариантларидаги эпик талқинини қиёсий тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Гўрўғли” туркуми дostonлари туркий версияларида “кўмакчи персонаж” образининг эпик талқинларидаги типологик ўхшашликлар, тарихий-генетик муштаракликлар ва миллий ўзига хосликларни тадқиқ этиш асосида чиқарилган илмий-назарий хулосаларидан ЎзР Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар илмий-тадқиқот институтида бажарилган Ф1-ФА-0-43429, ФА-Ф1, ГОО2 рақамли “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” (2012-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2020 йил 25 июндаги 17.01/117-сонли маълумотномаси). Натижада “Гўрўғли” дostonи қорақалпоқ версияси образлар тизимининг шаклланиш тарихи ва бадий эволюциясига доир янги назарий хулосалар чиқарилган;

“Гўрўғли” дostonларининг туркий ва ўзбек фольклоршунослигида ўрганилиши тарихига доир фактик материаллар ва таҳлилий умумлашмаларидан ЎзР Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар илмий-тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф1-005.

“Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2020 йил 25 июндаги 101/01-сонли маълумотномаси). Натижада “Гўрўғли” достони қорақалпоқ версиясининг ёзиб олиниши, чоп қилиниши ва тадқиқ этилишига доир янги маълумотлар илмий муомалага киритилган;

“Гўрўғли” достонидаги Авазхон образига алоқадор айрим эпик мотивларнинг тарихий-генетик асослари зардўштийлик мифологиясига боғлиқлиги ҳақидаги илмий хулосаларидан халқаро “Олтин мерос” хайрия жамоат фонди қошидаги “Авесто” музейи фаолиятини такомиллаштиришда, жумладан, Хоразм “Гўрўғли” туркуми дostonлари ва зардўштийлик тарихига доир экспозицияни ташкил этиш жараёнида “Авазхон”, “Аваз уйланган”, “Аваз танган”, “Қирқ минглар”, “Бозиргон”, “Авазнинг Ваянганга кетиши” ва бошқа дostonларнинг қўлёзма нусхаларига изоҳлар тайёрлашда фойдаланилган (Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамоат фондининг 2020 йил 19 июндаги 01-35-рақамли маълумотномаси). Натижада сайёҳларга Хоразм воҳаси маданий кадриятлари, дostonчилик анъаналари, “Гўрўғли” эпосидаги кўмакчи персонаж Авазхон номи билан боғлиқ Ҳазорасп туманидаги Бозиргон мавзеси ҳамда Шовот туманидаги Ваянган қалъаси ҳақида янги маълумотлар берилишига эришилган;

Хоразм “Гўрўғли” дostonларини оғзаки вариантлари ва қўлёзма нусхаларидаги Авазхон образининг бадиий талқини ўзига хослиги билан ажралиб турилиши ҳамда эпосни ўқитишнинг янги методлари ҳақидаги илмий қарашларидан Хоразм вилоят радиокompаниясининг “Таълим ва ҳаёт” радиоэшиттириши сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Хоразм вилоят радиокompаниясининг 2020 йил 24 июндаги 920-сонли маълумотномаси). Натижада Авазхон образи мисолида кўмакчи персонажнинг халқ дostonлари сюжет қурилишида тутган ўрни ҳамда бахшиларнинг бу образни тасвирлашдаги ўзига хос бадиий маҳорати хусусидаги маълумотларни кенг оmmалаштириш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 41 та илмий иш нашр қилинган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан хорижий журналларда 1та, республика журналларида 9 та мақола нашр қилинган.

**Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 166 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг **Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ўрганилиш даражаси, илмий тадқиқот режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, тадқиқотнинг объекти, илмий янгилиги, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, методологик асоси ва методи, илмий ҳамда амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорийланиши ва синовдан ўтиши, тузилиши ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг I боби “**Эпик анъанавийлик ва наслий туркумлик масаласи**” деб аталиб, икки фаслдан иборатдир. Биринчи фасл “**Авазхон ҳақидаги дostonлар наслий туркумликнинг бир кўриниши сифатида**” деб номланади. Ушбу фаслда Авазхон образига алоқадор дostonлар силсиласи ҳақида фикр юритилади.

Эпос марказида турувчи ҳар қандай образ халқ идеали сифатида шаклланади ва унинг доврўғи юксак кўтаринки руҳ билан куйланади. Ўша образ халқ анъаналари руҳида дунёга келиб, мўъжизавий хусусиятларни ўзида мужассамлаштиради, эпик отига, қуролига эга бўлади, илк қаҳрамонлик кўрсатиш асносида халққа танилади, кейин уйланади ва фарзанд кўради. Фарзандларини ўзидек қилиб тарбиялайди, ватан ҳимоячиси қилиб вояга етказди. Улар отасига таянч бўлиб, буюк қаҳрамонликлар кўрсатади ва аста-секин эпик қаҳрамонлар шажараси шакллана бошлайди. Бу ҳолат ўз-ўзидан наслий туркумликни келтириб чиқаради. Шу нуқтаи назардан қаралса наслий туркумлик қадимий эпик анъана ҳисобланади.<sup>1</sup> “Гўрўғли” эпосининг Шарқий ўзбек версиясида наслий туркумликка уюшган дostonлар тизими йигирмадан ошади. Эпоснинг Хоразмда тарқалган версиясида эса наслий туркумлик анъанаси у қадар кенг доирани ташкил этмайди. Эпоснинг 2004 йилда нашр этилган ўн олти дostonи орасида “Аваз уйланган”, “Араб танган”, “Қирк минглар”, Авазнинг Ваёнгонга кетиши”, “Тухмат ташлаган”, “Сафар маҳрам”, “Авазхон”, “Гўрўғлининг Дарбандга кетиши” дostonлари Авазхон фаолияти билан узвий боғланган. Эпос таркибига кирувчи Авазнинг асранди ўғил қилиб келтириш воқеасига бағишланган “Аваз гатирган” (Авазнинг олиб келиниши) дostonи “Ошиқнома”нинг 4-китобига киритилган. Ушбу дostonдаги воқеалар Авазхон наслий туркумининг дебочасидир. Мазкур дostonни ҳисобга олганда “Гўрўғли” эпосининг Хоразмда тарқалган оғзаки версияси таркибида тўққизта шохобча Авазхон фаолияти билан узвий боғланади.

ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кўлғезмалар фондида сақланаётган 9590-рақамли кўлғезмадаги дostonларнинг еттитаси Авазхонга алоқадордир. Шулардан “Авазнинг келтирилиши” дostonи “Ошиқнома” мажмуасининг 4-китобида чоп этилган.<sup>2</sup> ЎзР ФА Ўзбек тили,

<sup>1</sup> Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос. – Л.: Наука, 1974. – С.45.

<sup>2</sup> Ошиқнома. 4-китоб. – Урганч: Хоразм, 2009. – Б.289-310.

адабиёти ва фольклори институти Фольклор архивида сақланаётган 1647-рақамли кўлёзмада олтига дoston бўлиб, уларнинг фақат биттаси Авазхонга алоқадордир. Шундай қилиб, эпоснинг ёзма нусхаларида саккизта шохобча Авазхон фаолиятига бағишлангандир. Бундан ташқари, ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлими кутубхонасида 3680, 42938-рақамли кўлёмалардаги воқеалар ҳам Авазхон фаолиятига бағишланган. Бундай олиб қараганда ушбу дostonлар ўзаро бирикиб, Авазхон биографик туркумини ташкил этади.

Хоразм “Гўрўғли” туркумида Авазхон ҳақидаги дostonларнинг Шарқий версиядагига нисбатан анча камлиги туркум шохобчаларининг ҳалигача тўлиқ ёзиб олинмаганлиги билан алоқадордир. Зеро, воҳада тарқалган мазкур туркум бир пайтлари қирқдан ошиқ дostonларни ўз ичига қамраб олган бўлиб,<sup>1</sup> ҳозиргача Хоразм “Гўрўғли” эпосининг 18 дostonи нашр қилинган.

Тадқиқотларда таъкидланишича, ушбу эпоснинг бахшилар хотирасида фақатгина умумий мазмуни сақланиб қолган қатор шохобчалари маълум. Бу дostonлар орасида “Охтиқ қараган”, “Фақир қиз”, “Қон ўғли”, “Эр ўғли” каби дostonлар наслий туркумлики давом эттирувчи шохобчалардир. “Фақир қиз” дostonида Гўрўғлига ошиқ бўлган битта қиз умрининг охиригача ундан умидвор бўлиб яшаганлиги тасвирланган. Охирида Гўрўғлини излаб, унинг қонга булғанган жасади устидан чиқиб, қонини ялаган ва шундан ҳомиладор бўлиб, туғилган фарзандига Қон ўғли деб исм қўйган, ундан Эрўғли туғилган.

Ушбу дostonлар орасида Авазхон биографик туркумига бевосита алоқадор шохобча Нурали билан боғлиқ “Охтиқ қараган” (“Невара тарбиялаган”) дostonидир. “Қон ўғли” ва Эрўғли” дostonлари эса бевосита Гўрўғлига алоқадордир. Айрим маълумотларга қараганда “Аҳмадбей” дostonи Нурали шажараси билан алоқадор бўлиб, Авазхон биографик туркумининг давомидир. Эпоснинг ёзма нусхаларида эса Авазхон билан алоқадор яна битта дoston бу туркумни тўлдирди. Бу “Аваз моҳитобон” дostonидир. Хоразм “Гўрўғли” эпосида “Ҳасанхон”, “Нурали” наслий туркумлари бир вақтлари куйланган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Негаки “Гўрўғли” туркумидаги “Эрҳасан” шохобчаси иккинчи асранди ўғил бўлган Ҳасанхон саргузаштларининг бир қисмидир. Нурали ҳаёти билан боғлиқ бўлган, бироқ ҳозиргача ёзиб олинмаган “Охтиқ қараган” (неварасини парваришлаган) дostonи ҳам наслий туркумнинг бўлганлигини далилловчи муҳим асосдир.

Эпос билан боғлиқ ушбу тафсилотлар Хоразм “Гўрўғли” эпосида ҳам кенг доирани қамраб олувчи наслий туркумлиқ бўлганлигини тасдиқлайди. Хоразм “Гўрўғли” туркумидаги “Фақир қиз” ва у билан боғлиқ “Қон ўғли” дostonлари ҳақида маълумот йўқ. Бироқ, академик Т.Мирзаевнинг ёзишича, Шарқий версия дostonларида “Эрўғли” шохобчаси охириги яқунловчи дostonдир.<sup>2</sup> Бинобарин, “Эрўғли” дostonининг ҳар иккала версияда яқунловчи дoston ҳисобланган.

<sup>1</sup> Рўзимбоев С. Хоразм дostonчилиги эпик анъаналари. – Урганч: Университет, 2008. – Б.26.

<sup>2</sup> Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – Б.245.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли “**Авазхон типдаги кўмакчи образларнинг тарихий илдизлари ва кўринишлари**” деб номланиб, унда эпосда кўмакчи қаҳрамон образининг пайдо бўлиши қадимий тарихга эга бўлиб, унинг шаклланиш жараёни ниҳоятда мураккаб эволюцияни бошдан кечирганлиги ҳақида сўз юритилади.

Бу тип образлар бошқа халқлар фольклорида ҳам мавжуд бўлиб, бош қаҳрамон фаолиятини тўлдиради.<sup>1</sup> Бу образ генезиси қадимги мифология билан алоқадор дуализм билан боғланиб кетади. Чунки “...ҳар қандай миф ўз жисмида ҳақиқат элементларини, ўтмиш ҳаётининг қолдиқларини, келажакдаги тараққиётнинг мағзини ифодалайди. Бинобарин, ҳар бир миф муайян тарихий бирлашманинг ўзига хос акс садосидир”.<sup>2</sup> Қадимги одамлар ҳар бир нарсани ўз жуфти билан биргаликда тасаввур қилганлар. Бу тасаввурнинг илк кўринишларидан бири аёлнинг куёш, эркакнинг ой сифатида қаралишидир.<sup>3</sup> Ҳатто “жинс” тушунчаси ҳам “ярим” маъносига эга бўлиб, эркак ва аёл айрим олинганда ҳар бири яримни билдиради, иккаласи бирлашиб, оилани англатса, тўлалликни, бутунликни ўзида акс эттирган.<sup>4</sup> Қадимда “икки рақами ҳақидаги мифологик тушунчалар фольклор асарлари ва маросимларимиздаги жуфтлик рамзларининг юзага келишига асос бўлган.<sup>5</sup> Мана шу қадимий анъана иккилик, жуфтлик уруғчилик тузуми даврида пайдо бўлган эгизаклар культининг келиб чиқишида ҳам муайян роль ўйнади. Эгизаклар табиат билан узвий боғлиқ бўлиб, улар ҳамжинс инсонлар ҳисобланади. Улар бир-бирига ҳамдард бўладилар, яъни бошларига тушган бир хилдаги ҳолат-буларнинг бир-бирига бўлган муносабатини янада оширади.<sup>6</sup> Фарзандли бўлиш, “иккилик назарияси” га биноан ота-бола дуализмини вужудга келтириш учун турли йўللарни ахтаришга киришади. Аслида бу мотив дostonларга эртаклардан ўтган. Эртакларга эса мифлар орқали кириб келган. Шу сабабли эртакларда тилаб олинган фарзандга эга бўлишнинг кўплаб ғайритабиий шакллари мавжуд. Дostonларда эртакларга қараганда ҳаётийлик бирмунча кенг тасвирланганлиги сабабли дуализм билан алоқадор бўлган бефарзандлик мотивининг ишланиши ҳам айрим фарқларга эга. Ушбу фарқларнинг энг асосийси мазкур мотивнинг ҳаётийлашиш сари юз бурганлигидир.

Маълумки, “Тўрўғли” эпосининг шаклланиши XVI асрлардан бошланади. Унинг ўзбек версиясининг пайдо бўлиши эса XVIII асрлар доирасида амалга ошади. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда эпосдаги образларнинг яратилиши бахшилар дунёқарашининг анча юксалган, ўша дунёқарашга мос аудиториянинг шаклланган даврига тўғри келади. Бундан ташқари, образлар фаолиятини

<sup>1</sup> Қаранг: Мелетинский Е.М. Введения в историческую поэтику эпоса и романа. – М.: Наука, 1986. – С.28-29; Ибрагимов Н. Арабский народный роман. – М.: Наука, 1984. – С.166.

<sup>2</sup> Лосев А.Ф. Античная литература в ее историческом развитии. – М.: Учпедгиз, 1957. – С.85.

<sup>3</sup> Мифы и легенды Австралии. – М.: Наука, 1976. – С.60.

<sup>4</sup> Евсюков В.В. Мифы о мироздании. – М.: Политиздат, 1986. – С.95.

<sup>5</sup> Жўраев М. “Сехрли” рақамлар сири. – Тошкент: Ўзбекистон, 1991. – Б.54.

<sup>6</sup> Эгамбердиев З., Эгамбердиева З. Тиббиётдаги ажойиб ҳодисалар. – Тошкент: Медицина, 1986. – Б.96.

далиллаш, уни ҳаётӣй фактларга яқинроқ киёфада тасвирлаш Хоразм дostonларидаги образ яратилишининг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлиб ҳисобланади.<sup>1</sup> Ана шу нуқтаи назардан қараганда эпосдаги бефарзандлик мотивининг ишланишида ҳам муайян ҳаётӣйлик юзага келган.

Эпосни ҳаракатлантирувчи эпик қаҳрамон-Гўрўғлининг фаолиятидаги ҳар бир воқеа-ҳодиса Авазхонни четлаб ўтмайди. Авазхоннинг фарзанд сифатида асраб олиниши билан боғлиқ воқеалар Кавказ ва Ўрта Осиёдаги бахшилар репертуаридан мустаҳкам ўрин эгаллаган.<sup>2</sup> Фарзанд асраб олиш мотиви эпос учун анъанавий ҳодисадир. Ж.Фрезернинг таъкидлашича, бу ҳодисанинг илдизлари қадимий бўлиб, “қайта туғилиш” деб аталмиш ибтидоий анъаналарга бориб боғланади. Бу удум ўз қонун-қоидаларига эга бўлиб, Африканинг айрим қабилаларида бефарзанд кишилар бола асраб олганда маҳсус маросим ўтказиб, аёлни ётқизиб, унинг куйлаги этагидан асралувчи гўдакни киритиб юборганлар. Гўдак аёлнинг кўкрагига бориб, уни эмган. Кейин унга янги исм қўйилган. Аёл эса ўша жараёнда тукқанга ўхшаб, инграб ётган.<sup>3</sup> Айрим мифларда тасвирланишича, шоҳ ҳузурига бориб, унинг даргоҳидаги болани олиб қочиб келиш ҳодисаси воқеалари ҳам мавжуд бўлиб, бу лавҳа<sup>4</sup> Гўрўғлининг Юсуф шоҳ ҳузурига бориб Авазхонни олиб қочиб келиши воқеаларига ўхшаб кетади.

“Гўрўғли” эпосининг Хоразм версиясида Гўрўғли Ваёнгонга бориб, Булдур қассобнинг ўғли Авазхонни алдаб олиб келади ва фарзанд сифатида асраб олади. Авазхоннинг келтирилганидан кейин Оға Юнус пари Авазни ёқасидан солиб, этагидан чиқариб олади, ўтдан ўтказиб, исириқ тутатади.<sup>5</sup> Фарзанд асраб олиш билан боғлиқ маросим минтақанинг урф-одатлари билан боғланиб кетади.

Авазхон образининг эпосда пайдо бўлишини эпос қонуниятларидан ташқари ҳаётӣй эҳтиёжлар ҳам тақазо қилган. Фарзанд асраш мотиви анча қадимий бўлишидан қатъий назар ҳаётӣйлик сари силжиган анъанавий мотивлардан бири ҳисобланади. Эпосдаги ушбу воқеалар ҳаётӣй ва ҳаёлий тасвирлар қоришмаси асосида намоён бўлади.

Диссертациянинг **“Хоразм “Гўрўғли” туркумида кўмакчи қаҳрамон образининг шаклланиш ҳамда эволюцияси”** деб номланган иккинчи боби икки фаслдан иборат. Илк фасл **“Авазхон ҳақидаги дostonларнинг оғзаки ва ёзма вариантларининг киёсий тавсифи”** деб номланади.

“Гўрўғли” эпоси XIX аср ўрталаридан бошлаб Хоразмда китобат қилина бошлаган. Шу боисдан Авазхон фаолиятига алоқадор дostonларнинг ҳам ёзма нусхалари ўша эпос таркибида, баъзан алоҳида ҳолда қўлёзма ва тошбосмалар орқали халқ орасида оммалашган. Оғзаки вариант билан ёзма нусха

<sup>1</sup> Рўзимбоев С. Хоразм дostonчилиги эпик анъаналари. – Б.14.

<sup>2</sup> Каррьев Б.А. Эпические сказания о Кёр-оглы у тюркоязычных народов. – М.: Восточная литература, 1968. – С.74.

<sup>3</sup> Фрезер Дж. Фольклор в ветхом завете. – М.: Политиздат, 1989. – С. 257.

<sup>4</sup> Легенды и сказания Древней Греции и Древнего Рима. – М.: Правда, 1990. – С.455.

<sup>5</sup> Рўзимбоев С. Хоразм дostonларининг спецификаси, типологияси ва поэтикаси: Филол. фанлари докт. дисс. – Тошкент, 1990. – Б.139.

қиёсланганда шу нарса аён бўладики, дoston сюжети учун асос бўлган воқеа бир хил бўлса-да, икки вариантдаги тасвир усули бир-биридан анчагина фарқларга эга. Қўлёзма нусхаларда кўпгина лавҳалар ихчамлаштирилган.

Оғзаки ва ёзма вариантлардаги қўлланилган шеърӣ парчаларда эса кўплаб жиддий ўзгаришлар кўзга ташланади. Авазхон ҳақида Гўрўғлига хабар бериш, уни Юсуфшоҳ кўлидан озид қилишни илтимос этиш мақсадида келган Қаландаршоҳ нутқи ёзма вариантда қуйидагича берилган:

Уч йил биза завқу сафо сурдирди,  
Муборак жамолин биза кўрсатди,  
Беш бўса деб саксон қамчи урдирди,  
Туганмас жонима азоб айлайн (“Ошиқнома”. 4-китоб. – Б.290).

Оғзаки вариантда бу шеърӣ парча Ҳамдам савдогар нутқи орқали баён этилади:

Уч йил манго ўғил ваъдасин берди,  
Бугун эса душманлиғин билдирди,  
Охир бир кун саксон қамчи урдирди,  
Жонима туканмас озор айлайн (“Ошиқнома”. 4-китоб. – Б.223).

Иккала парчада ҳам битта масала хусусида сўз юритилаётганига қарамасдан оғзаки вариантда мазмунга муайян даражада ўзгариш киритилган. Унда “беш бўса”, “Завқу сафо”, “Муборак жамол” каби интим тушунчаларни ифодаловчи ифодавий бирикмалар ўрнини маданий тасвир эгаллаган. Асосий масала “ўғил ваъдаси” хусусидаги лафзнинг бузилиши томон йўналтирилган. Оғзаки ва ёзма вариантлардаги мазкур тўртликларни қиёслаганда шу нарса сезиладики, кейинги даврларда бахшилар дoston таркибидаги шеърӣ мисраларни муайян даражада замон талаблари асосида қайта ишлашга ҳаракат қилганлар. Шеърлардаги айрим эскирган сўзлар ўзгартирилган.

Ҳар иккала вариантда асарнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида Гўрўғли намоён бўлади. Унинг саргузашти ёзма нусхада анча ихчамлаштирилган. Оғзаки вариантда эса унинг фаолияти кенг доирани ташкил этади. Оғзаки вариантда насрий матнлар бутунлай қайта ишланган. Уларнинг салмоғи катта, диалогларга бой, оғзаки бадий нутқ билан алоқадор халқона иборалар кўпроқ ишлатилган. Оғзаки ва ёзма вариантлар қиёсига диққат қилинса, айрим бахшиларнинг матни ёзма нусхалардан ўзлаштирганликлари ҳам маълум бўлади. Оғзаки вариантнинг ёзма нусхадан туб фарқи ҳам Авазхонни асранди фарзанд сифатида олиб келишдаги асосий мақсадни ёритишда кўринади.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли **“Туркумда кўмакчи қахрамон Авазхон образининг шаклланиши ва эволюцияси”** деб номланган. Ушбу фаслда туркумда Авазхон образининг пайдо бўлиши ва такомиллашиши масаласи кўриб чиқилади.

Маълумки, манбаларда Гўрўғли билан бирга жалолийлар кўзғолони иштирокчиларидан 23 тарихий шахс исми келтирилади. Уларнинг орасида Аваз



исми ҳам учрайдики, ўша шахс Гўрўғлининг эпосдаги кўмакчи эпик образ сифатида тарбиялаб етиштирган асранди ўғлига прототип бўлиб хизмат этган.<sup>1</sup> Эпосда эпик қаҳрамон қиёфасида гавдаланадиган Аваз ўзининг тарихий прототипидан узоқлашиб бадий образга айланган. Хоразм версиясида Авазхондаги асосий икки фазилатни камол топдириш мақсад қилиб қўйилади. Уларнинг биринчиси мард жангчи, иккинчиси соз ва сўз соҳибини тарбиялашдир. Шу сабабли Авазхон Хоразм версиясидаги “Араб танған”, “Қирқ минглар”, “Авазхон”, “Сафар маҳрам” каби достонларда ўзининг мард жангчи қиёфасини намоён қилади. “Аваз гатирган”, (ёзма вариантда “Авазнинг келтирилиши”) достонида бўлажак кўмакчи қаҳрамон ҳақида илк тасаввур ҳосил бўлади. Чунки мазкур достонда Авазнинг болалик даври, унинг Чамлибелга олиб келиниши воқеалари тасвирланган. Авазнинг уйланишига бағишланган иккинчи достонда ҳам унинг мустақил фаолиятига ўрин берилмаган. Бу достонда уйланиш масаласи совчи, воситачилар орқали амалга оширилганлиги учун достонда эпик қаҳрамоннинг ўзга элдан ўзига муносиб қаллиқ топиб келиши билан алоқадор анъана берилмаган. Авазхоннинг эпик қаҳрамон сифатидаги фаолияти туркумдаги унга алоқадор бўлган учинчи достонда кўрина бошлайди. Бу достон “Араб танған” деб номланади.

Туркумда Авазхон билан алоқадор воқеалар “Қирқ минглар” достонида<sup>2</sup> давом этади. Эпосдаги мазкур мотив ҳам ўғуз эпоси “Китоби дадам Қўрқут” таркибида мавжуд бўлиб, унинг IV шохобчаси “Қозонбек ўғли Ўрозбекнинг асир тушиши” деб номланади.<sup>3</sup> Ушбу достондаги воқеаларнинг бошланиши ва ривожланиши “Қирқ минглар” достонидаги тафсилотларга анча ўхшаб кетади. Бироқ унинг финал қисми бошқача яқунланади. “Авазнинг Ваёнгонга кетиши” достони ўша иккиланишлар асосида юзага келган шохобчадир.

“Гўрўғли” туркумида Авазхон фаолиятини акс эттирувчи энг кўламдор достон унинг номи билан “Авазхон” деб юритилади. “Авазхон” шохобчаси оғзаки ва ёзма вариантларда ҳажми жиҳатидан энг кўламдор достонлардан биридир. Унда Авазхон илк бора отасидан Ғиротни ва қиличини тилаб олиб, Гуржистон подшосининг зулмини бартараф қилиш учун жўнаб кетади. Дастлабки воқеа Авазнинг ўз шериклари билан бирга ғафлатда қолиб, Хунхоршоҳ аскарларига асир тушиши билан бошланади. Ўша жараёнда Ғирот қочиб бориб, Гўрўғлига нохуш воқеа рўй бергани сездиради. У дарҳол қўшин тўплаб, Гуржистонга йўл олади. Шу тариқа, архаик эпосга дахлдор яна бир мотив-отанинг ўғлини кутқариши масаласи кун тартибига қўйилади.

“Тухмат ташлаган”, достонида ҳам Авазхон образига алоҳида эътибор қаратилади. Асосий конфликт Гўрўғлининг сархуш бўлиши ва тухматдан ғазабга келиши, Оға Юнус пари аразлаб ўз эли – Эрам боғига канизи билан бирга қайтиб кетишига алоқадор. Авазхон бу вазиятда тўғри йўлни танлайди.

<sup>1</sup> Каррыев Б.А. Эпические сказания о Кёроглы у тюрка язычных народов.– М.: Востлит, 1968. – С.17.

<sup>2</sup> Гўрўғли. – Б.162-194.

<sup>3</sup> Книга моего деда Коркута. – М.: – Л.: Изд. АН, 1962. – С.49-59.

Отасини тинчлантиради ва онасини олиб келиш учун Эрам боғига жўнаб кетади. У ерга бориб онасини олиб қайтади. Достонда Авазхоннинг хизматларига Гўрўғли иқроп бўлади. “Гўрўғлининг Дарбандга кетиши” достонида ҳам Авазхоннинг қисқача фаолияти тилга олиб ўтилади. Бу шохобчада Гўрўғли 40 йигити ва Авазхонни синамоқчи бўлади. Бу синовдан Авазхон муваффақиятли ўтади. “Гўрўғли” эпосида Авазхон образи Гўрўғлидан кейин иккинчи шахс, кўмакчи қаҳрамон сифатида гавдаланиб, эпосдаги туркум достонларнинг аксариятида энг долзарб масалаларда фаол иштирок этади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Авазхон образининг версиялараро қиёсий-типологик таҳлили”** деб номланиб, унинг илк фаслида **“Шарқий ўзбек версиясида Авазхон образи”** ҳақида сўз юритилади.

Академик Т.Мирзаевнинг кўрсатишича, “Гўрўғли” туркуми достонлари ўзбеклар орасида бир-биридан принципиал равишда фарқ қилувчи икки версияда тарқалган. Бу версияларнинг бири Хоразм “Гўрўғли” достонлари бўлиб, улар туркман версиясига жуда ўхшаш, озарбайжон “Кўрўғли”сига анча яқин туради... Ўзбекистоннинг Хоразмдан бўлак ерларида тарқалган “Гўрўғли” достонлари эса, алоҳида бир мустақил версияни ташкил этиб, ҳажман кенглиги, монументаллиги билан ажралиб туради... “Гўрўғли” туркумидаги достонларнинг муайян қисми икки жойда, икки хил ижтимоий-иқтисодий шароитда яратилиб, мустақил ривожланишда давом этган.<sup>1</sup>

Айрим тадқиқотларда кўрсатилишича, Шарқий ўзбек версиясида “Авазхоннинг баҳодирлиги ва саргузаштлари ҳақидаги достонлар сон жиҳатидан ҳатто Гўрўғлининг ўзи тўғрисидаги достонлардан ҳам кўп”.<sup>2</sup> Дарҳақиқат, мазкур версияда Ҳасанхон бош қаҳрамон бўлган фақатгина битта-“Далли” достони мавжуд бўлгани ҳолда Авазхон саргузаштлари билан алоқадор ўндан ошиқ шохобчалар бор. Шарқий версияда ҳам “Авазнинг олиб келиниши”, “Авазнинг арази”, “Авазнинг уйланиши” каби воқеаларга бағишланган махсус шохобчалар учрайди. Раҳматулла Юсуф ўғлидан ёзиб олинган туркум тартиби Хоразм “Гўрўғли” достонлари силсиласидаги кетма-кетликка анча мос келади. Авазхоннинг уйланиши масаласи ҳал бўлгандан кейин унда “Гавдароз дев” достони бошланади. Ушбу шохобчадаги воқеалар “Араб танған” достони билан умумий тарзда уйкаш келади. Чунки туркумдаги воқеалар мантиқига қараганда Авазнинг хотини Гулқизой олиб қочиб келингандан кейин унинг подшоҳ отаси албатта қизи учун интиқом олиши лозим эди.

Хоразм “Гўрўғли”сида Лақа шох “Гўрўғли”ни асир қилиб олиб келишни Араб Райхонга буюради. Раҳматулла бахши вариантыда бу вазифани Гавдароз дев бажаради. Мазкур вариантда эпик қаҳрамоннинг архаик эпосдаги душмани ўзгаришсиз ҳолда берилган. Чунки, архаик эпос намунаси “Ўғузнома”да эпик қаҳрамоннинг илк жасорати баҳайбат мифик жонзот билан олишуви жараёнида

<sup>1</sup> Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Тошкент: Фан, 1979. Б. 132-133.

<sup>2</sup> Мирзаева М. “Балогардон” достони – “Авазхон” кичик туркуми намунаси // Фозил шоир. – Тошкент: Фан, 1973. Б.76.

рўёбга чиқади.<sup>1</sup> Иккала версияда бир-бирига яқин келадиган яна бир дoston Авазхоннинг аразлаши билан боғлиқ воқеаларни ўз ичига олган шохобчадир.

Авазнинг арази билан алоқадор дostonлар анчани ташкил этади. “Бўтакўз” дostonида Авазхоннинг Бўтакўз билан дахлдор саргузаштлари жараёнида кизни туркманлардан олиб қочгани, уни жазолаш учун Гўрўғлидан сўрашлари, Гўрўғли Авазни туркманларга бергани ва бу ишда унинг аразлаб кетиши ҳақида сўз юритилади. Бироқ воқеалар тўлалигича “Авазнинг Ваёнгонга кетиши” шохобчасидаги тафсилотларга мос тушмайди. “Авазнинг ўлимга ҳукм этилиши” дostonида ҳам Авазнинг аразлаши, отаси устига қўшин тўплаб келиши воқеалари Аҳмад сардор иғвоси билан алоқадор ҳолда берилади.<sup>2</sup> Шарқий версияда Авазхон фаолиятига дахлдор дostonлар барча версияларга қараганда жуда кенг доирада тарқалган ва уларда Авазхон образи ҳар томонлама мукамал ишланиб, баъзи ҳолатларда Гўрўғли сиймосини ҳам орқада қолдириб кетган. Бу ҳолат мазкур минтақада яшаб ижод қилган бахшиларнинг нуфузи ва уларнинг юксак бадиҳагўйлигининг натижасидир.

Бобнинг иккинчи фаслида **“Туркман версиясида кўмакчи қахрамон образи”** қиёсий таҳлилга тортилади. Туркман халқи орасида мазкур туркум “Гўрўғли”, “Карўғли”, “Кўрўғли” каби уч номда тарқалган бўлиб,<sup>3</sup> XIX асрдан бошлаб Хоразм минтақасида унинг ёзма нусхалари юзага келган.<sup>4</sup> Бу нусхалардан минтақадаги барча миллатга мансуб бахшилар фойдаланганлар. Шу сабабли туркман ва Хоразм дostonлари матнлари ўзаро жуда яқин бўлиб, оғзаки ижрода маълум даражада бадиҳагўйлик асосида миллий рух касб этиб анчагина ўзгаришлар юзага келган. Хоразм минтақасида бахшиларнинг устозлик-шоғирдлик анъаналари, қиссахонлик қадимдан бери ўзаро ҳамжиҳатликда ўтказилиб келинганлиги боис,<sup>5</sup> туркман ва ўзбек бахшилари репертуарида ҳам ўзаро яқинлик шаклланган.

Туркман “Гўрўғли” дostonлари силсиласида ҳам дастлаб Авазхон туркумнинг тўртинчи шохобчаси бўлган “Аваз”, аввалги нашрларда “Аваз гатирган” номлари билан юритилувчи дostonда тилга олинади. Биз ишимизда асосан 1990 йилги нашрга суяндик.<sup>6</sup> Бу нашрда дoston янги эпизодлар билан бойитилган ва мукамал ҳолга келтирилган. Унда насрий матнлар анча батафсил берилган. Таркибида ҳаммаси бўлиб 864 мисра шеър ишлатилган. Дostonнинг шу номдаги Хоразм “Гўрўғли” туркумидаги вариантыда 812 мисра шеър мавжуд. Ҳар иккала дostonнинг сюжети деярлик бир хил. Бироқ, ўзбек тилидаги матнда шеърини мисралар анчагина янгиланишга учраган. Агар уларга разм солинса, Хоразм версиясида Авазхон образининг баҳодирлик қиёфасини улуғлаш кучайганлигини кўриш мумкин. Туркман версиясида қўлёзма

<sup>1</sup> Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. I жилд. – Тошкент: Фан, 2003. – Б.95.

<sup>2</sup> Авазнинг ўлимга ҳукм этилиши. – Тошкент: Фан, 1976. – Б.128.

<sup>3</sup> Карриев Б.А. Эпические сказания о Кероглы у тюркоязычных народов. – М.: Востлит, 1968. – С.101.

<sup>4</sup> Ўша асар. – Б.100.

<sup>5</sup> Жирмунский В.М. Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: ГИХЛ, 1947. – С.54.

<sup>6</sup> Кероглы. – Ашгабат: Туркменистан, 1990. – Б.116-205.

нусханинг таъсири кучли бўлиб, Авазнинг хушсуратлилигига урғу берилган.

Туркман версиясидаги “Аваз гатирган”, “Авазнинг уйланиши”, “Араб Райхон”, “Авазнинг арази”, “Қирқ минглар” каби шохобчалари ўз характери жиҳатидан Хоразм “Гўрўғли” сидаги мазкур номдаги дostonларга деярлик айнан мос келади. Туркман версияда Аваз кўплаб дostonларда асирга тушади, азоб чекади, Гўрўғли томонидан кутқарилади. Эпосдаги бу ҳодисани туркман олимлари Гўрўғли билан Авазнинг бирга бўлиши душманлар учун хавф-хатарнинг асосий манбаси сифатида тан олинганлиги ва шу сабабдан уни отасидан мутлақо ажратиб, йўқ қилиб ташлашни мақсад қилиб қўйилганлиги билан изоҳлашади.<sup>1</sup>

